

## Ушбу ҳадисга амал қилсак, охиратда самарасини кўрамиз



12:48 / 05.08.2024 1921

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ نَابُوثَ نَع  
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبُّنَلَا نَع  
إِذَا مَلَّسُ مَلَّأْنَا لِقَ مَلَّسَو  
يَفُ لَزَي مَلَّ مَلَّسُ مَلَّأْنَا هَاخَّ أَدَاع

# يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا مَلَسُوْا

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«**Бир мусулмон касал биродарини кўргани борса, жаннат мевалари ичида бўлади», дедилар».**

Термизий ва Муслим ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Демак, бир беморни кўргани борган киши уни кўриб, келгунича яхшилик ичида бўлар экан. Бундан беморни кўриш учун кетган вақт саодатли вақт эканлиги келиб чиқади.

نَع ۙ هُنَّ عُلَلٌ اِيضًا سَنَأْنَع  
هِيَ لَعْلَلٌ اِيضًا سَبْنَلَا  
اَضْوَتُنْمَ: اِقْمَلَسُو  
هَآخَا دَاعُو ۙ ءَوْضُوْلَا نَسْحَاف  
نَمَدِعُوْب ۙ اَبَسَتُحْمَمَلَسُمَلَا  
نِيْغَبَسَ ءَرِيْسَمَمْنَهَج  
ۙ ءَزْمَحَ اَبَا اِيْلِيْق ۙ اَفِيْرَح

# هُنَّ أَوْرُءُ مَا عُلِّقَ لَهَا لِقَاقُ؟ فِي رِخْلِهَا أَمَّو دُوَادٌ وَبَأُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким яхшилаб таҳорат қилиб, савоб умидида касал биродарини кўргани борса, дўзахдан етмиш куз масофага узоқлаштирилади», дедилар.**

**«Эй Абу Ҳамза, куз нимадир?» дейилди.**

**«Йил», деди».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

**Шарҳ:** «Абу Ҳамза» ҳазрати Анас розияллоҳу анҳунинг куняларидир. У киши ушбу ҳадиси шарифни ривоят қилаётганларида эшитганлардан баъзилари «куз» деганда нима кўзда тутилганлиги ҳақида сўраган экан. Шунда у киши «куз»дан мурод фасл эмас, йил эканлигини айтган эканлар. Бу биздаги «фалончи етмиш баҳорни кўрган» деган гапга ўхшашдир.

Бу ҳадиси шарифда беморни кўриш учун боришга қаттиқ тарғиб бор. Чунки бир марта бемор кўриш билан дўзахдан бир киши етмиш йил йўл юриб, босиб ўтадиган масофага узоқлашиш ҳар ким учун катта бахтдир.

Ҳаётимизда ушбу ҳадисга амал қилиб яшасак, охиратимизда ҳам самарасини кўрамиз.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**